



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 146 (8636).

2 август, 1985 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ, жумладан, пойтахт Тошкент областимиз партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр — партия группалари, цех ва камсонли бошлангич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўзига хослиги шундаки, партия кўйи звеносларининг бу йилги йиғилишлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун, партия XXVII съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик янқувчи йили топириқларини тўлиқ адо этиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси фойда аяқ олган бир вазиятда бўлиб ўтмоқда.

Жойлардаги барча партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида пухта тайёргарлик кўрилар. Қатор шаҳар, район партия комитетлари, кўпгина корхона ва хўжаликларнинг партия ташкилотлари йиғилишларга ҳозирлик кўриш жараёнида бирмунча ибратли тадбирларни амалга оширишди. Йиғилишларни ўтказишнинг аниқ графиклари тузиб чиқилди. Партия активига методик кўрсатма ва қўлланмалар тақдим этилди. Партия группаси ташкилотчилари, цех ва камсонли бошлангич партия ташкилотлари секретарлари билан инструктор кенгайлар ва семинарлар ўтказилди. Бу соҳада Тошкент, Янгийўл, Ангрен шаҳарлари партия ташкилотлари, Оржоникидзе, Бекобод районлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинати, Янгийўл пойабзал фабрикаси, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Оққўрғон районидagi Вотицев номи, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбоев номи колхозларининг, Ғалаба районидagi «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» таърибга хўжалигининг партия ташкилотлари олиб бораган тайёргарлик ишлари эътиборга сазовордир.

Шу кеча-кундузда областимиздаги 5162 та партия группаси ва 5133 та цех партия ташкилотларида сафарбарлик янада кучайтирилди. Яқин икки-уч ой ичида амалга оширадиган ишларимизнинг кўламини қўйидаги рақам ҳам кўрсатиб турибди: областда 14 мингдан ортиқ йиғилиш ва конференциялар ўтказилиши керак. Маскур ҳисобот-сайлов йиғилишларида барча коммунистларнинг тўла иштироки ва активлигини таъминлаш партия ташкилотлари олдида турган биринчи галдаги вазифадир.

КПСС XXVII съездида тайёргарлик нуқтан назаридан қараганда ҳозирги босқичда мамлакатимиз олдида турган мақсадларга эришиш учун ҳисобот ва сайловларнинг қандай ўтқиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, «...шу даврнинг бош шiori — ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанликдир». Ҳисобот ва сайловлар партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада кучайтиришга, уларнинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга ва пиравард натижада партиянинг раҳбарлик ролини мумкин қадар оширишга қўмаклашиши зарур.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари — муҳим масалаларнинг ҳаммаси чўқур, жиддий, ҳар томонлама таҳлил қилинадиган гўят жиддий синовдир. Ҳар бир партия группаси, цех ва бошлангич партия ташкилотлари муҳокама чоғида КПСС Марказий Комитетининг шу йил апрель Пленуми қарорлари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу Пленумда сўзлаган нуқтидан келиб чиқадиган қонда ва ҳулосалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI, XIX, XX пленумлари, шунингдек, област партия комитетининг кейинги пленумлари қарорлари асосида иш юритиш мумкин. Ҳисобот доқларларининг асосини хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги ташкил партия-партиявий ва идеологик ишлар аҳволига тааллуқли комплекс масалалар ташкил этмоғи керак.

Партия группаси ташкилотларининг, цех ёки бошлангич партия ташкилотлари секретари, партия бюросининг ҳисобот доқлариди фаолиятини ишчанлик ва талабчанлик билан кўриб чиқиш, партия ва ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш бўйича уларнинг иш услублари ва методлари ҳусусида батафсил сўз юритиш лозим. Экономикани партия раҳбарлиги, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, махсулот сифатини яхшилаш, хўжалик юртишнинг илгор формалари ва шаклларида кенгрок фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг ўстириш ва унинг самардорлигини ошириш юзасидан ўн иккинчи беш йилликка белгиланган марралардан ўзиб кеттиш имкониятларини қидириб топишга қаратилган ватанпарварлик ташаббусларини оммалаштириш проблемалари йиғилишларда иштирок этаётган коммунистларнинг диққат марказида бўлмоғи ўта муҳимдир.


Қўйи партия бўғинлари ҳисобот ва сайловлар давомида уларнинг бутун фаолиятлари билан ишга новаторларча ёндашиллари, ушшоқлик ва интизом намуналарини кўрсатишлари керак. Ҳар бир коммунистнинг актив ҳаётини позицияси: партия устави талабларига қандай ривоз этаётганлиги, меҳнатда, турмушда, ижтимоий ҳаётда қандай мақсага эгалиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар очин-ойдин, юз-хотир қилмасдан айтилмоғига эришиш лозим. Партия ички демократиясини чўқурлаштириш, партия турмушун ленинча нормаларига қатъий ривоз этиш, тақдид ва ўз-ўзини тақдиди ривожлантириш, коммунистлар активлиги, ташаббускорлиги ва авангардликни тобора ошира бориш муаммолари доқларда асосий ўрин тутмоғи мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишлардаги музокаралар, фикр алмашулар ўртоқларча ошкор, ҳолис, умумий ишга наф келтирадиган тарзда бўлмоғи керак. Дабабали ваъхонликларга йўл қўйилмас. Ваъдасиз, ташаббуссиз, лавовур, омма ўртасида обрў қозонилмаган, ташкилотчиликка ўқувий йўқ, кундалик вазибаларга лоқайд қаровчи, кўпчилик ишончини оқламаётган кишилардан дадил халос бўлиш вақти келди. Юзхотирчилик, принчиписизлик ишга нақадар зарар етказётганлигини изоҳлашнинг ҳожати йўқ.

Қўйи партия органларига сайловлар пайтида янги састава кирувчи ҳар бир номзод тўғрисида алоҳида, чуқур ўйлаб кўрмоқ керак. Улар — чинакам муносиб, барчанинг ваколатига тўлиқ сазовор кишилар бўлмоғи лозим. Ишчилар, олдий колхозчилар, мутахассслар, фан-техника зиёлиларининг вакиллари, хотин-қизлар партия бюроси янги саставига сайланишларини таъминлайлик. Сайланадиган партия органлариди коммунистлар ўз шахсий ибратини, ишга муносабати, юксак ахлоқий-эстетик камолоти билан коллектив аъзоларини тарбиялашда фаол қатнашишга қодир бўлишлар.

Ҳисобот ва сайловлар партия ташкилотлари фаолиятининг жиддий кўриги, янада чиниқниш имтиҳонидир. Шаҳар ва район партия комитетлари бу сиёсий кампанияни уларнинг қатъий назоратида остига олишлари шарт. Шахшубҳа йўқки, областимиз партия ташкилотларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайловлар қўйи партия ташкилотларининг жанговарлигини янада оширишга хизмат қилади, ўн биринчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз адо этишда янги куч ва қувват бахш этади.

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРНИ ЮКСАК ТАШКИЛИИ ВА СИЕСИИ САВИЯДА ЎТКАЗАЙЛИК. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!



Замондошларимиз

— РАХМАТ доктор, мен ёруғ дунёни кўрипман!

Шу биргина жумла замйрда бир дунё мазмун, бир жаҳон шодлик, татрифта сизгас хайрон борлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Гоҳо оғир хасталик, гоҳида шинастланиш туфайли кўридан қолган одамнинг кўзлари қайта очилса, Шунда у биринчи бўлиб шифокорини кўради ва оқ халатдаги бу киши унинг кўзларига энг олиқаноиб, энг мўъжиза-кор инсон бўлиб кўринади.

Ғиёс Қосимжўаев ана шундай инсонлардан.

Ғиёс ака ўзининг ўттиз беш йиллик фаолиятида ўйлаб, юзлаб одамларнинг кўзига ана шундай ғайриқудрат соҳиб бўлиб кўринган. У 1949 йилда Тош-Мини тутатиб йўллама билан Қорақалғистонга жўнади, у ерда беш йил меҳнат қилди. Сўнг яна икки йил Тошкент медицина институтининг клиник ординатурасида малакасини ошириб, 10-шаҳар касалхонасида хизматини давом

эттирди. 1968 йилдан буён эса 17-шаҳар касалхонасида кўз касалликлари бўйича малакали шифокор сифатида хизмат қилмоқда.

Ғиёс ака кўп йиллар бўлим мудири вазифасида ишлади, бундан икки йил муқаллам пенсияга чиқиб, раҳбарлик лавозимини ёпроқ мутахасссига топширди. Бироқ, шифокондан оёғини узишнинг ўзига эп кўрмади — билан ва таърибасини ёшларга қўнт билан ўргатиб, ҳамон мураккаб операцияларни ҳам бажармоқда.

— Жамн қилган операцияларингиз нечтага борди?

— Кўп эмас, — дейди Ғиёс ака жиламайиб, — энди саккиз мингдан салгина ошди...

— Мен ёруғ дунёни кўрипман, доктор!

Инсон учун, шифокор учун бу сўзларни эшитишдан ортиқ бахт бўлмаса керак...

А. Абалин фотоси

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШГА—АЛОҲИДА ЭЪГИБОР

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЕМ—ХАШАК ЖАМҒАРИШНИНГ БОРИШИ

Областимиз районларида ем-хашак жамғаришнинг бориши ҳақида ўтган ҳафта, 22 июлга қадар бўлган маълумотда айрим районларда дағал хашак тайёрлашда ўтган йилгига нисбатан қолоқликка йўл қўйлаётганлиги айтилган эди. Бир ҳафта давомида эса бу кўрсаткич икки процентга кўнайди. Кўпчилик хўжаликлар ва районлар бедадан озуқа жамғаришда сезиларли даражада ўсншга эришдилар. Силос учун маккажўхори ўрим-йиғимини оммавий ра-

вишда бошлаб юбордилар. Бу ишлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Шу билан бир қаторда айрим хўжаликларда озуқа жамғарини ишларида сустнашликка ва лоқайдликка йўл қўйилмоқда. Шунга қарамай бу борадаги қолоқликни тугатиш юзасидан қонирет тадбир-чоралар кўрилмаётди. Айниқса, Калинин, Коммунистик, Оржоникидзе, Тошкент районларидаги аҳвол таъминланаридир.

Бу районларда ҳозирга қадар йиллик планга нисбатан атиги 40—45 процент миқдорда беда пичани тайёрланган, ҳолос. Оққўрғон, Бўстонлик, Калинин, Оржоникидзе, Паркент ва Тошкент районлари озуқакорлар эса ҳалигача силос бостириш ишларига киришмаётгилар.

Жойлардаги партия комитетлари, совет, кишлоқ хўжалиги органлари бугунги кунда асосий эътиборини қишлоқ учун мўъл-қўл ва сиёсий жамғаришга қаратишлари лозим. Ўзлари

ойида ҳам бу ишга катта эътибор берилиши, шу мақсадда мавжуд имкониятлардан умумли фойдаланиш, техника воситаларини ўрим-йиғим ишларида тўла сафарбар этиш ҳамда ем-хашак жамғариш ишларига етарли даражада ишчи кучлари акратиш хусусида қайғуришлари керак. Бу ойда ҳар қуни йиллик планга нисбатан 1,5 процент миқдорда дағал хашак жамғаришга эришиш, маккажўхори эқилган майдонларнинг асосий қисмида ўрим-йиғим ишлари тугатиб, силос бостириш 15 августгача нийосига етказиш, ойнинг сўнгги ўн кунлигида эса сугориландиган ерлардаги экин беланиш тўғрисида ўримини тугаллаб, бешинчи ўримини бошлаб бориш тадбирларини кўриш шу куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.



Еш авлод умумжаҳон учрашувининг тўртинчи кунини «Ешлар ва студентлар ўз хуқуқлари учун курашда» шiori остида ўтди. 30 июль кунини бўлиб ўтган митингларда, мунозараларда, учрашувларда ешларнинг мухтор вакиллари ўзларининг социал ва сиёсий хуқуқларини қатъий ҳимоя қилиб чиқдилар, айни маҳалда имсоннинг энг асосий хуқуқини — яшаш хуқуқини учун кураш олиб бориш ишларининг муқаллас бурчи эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Союзларнинг колонна залида ўтган «Атом қуролини тўла тақиқлаш ва тугатиш учун биргаликдаги ҳаракат» мавзусидаги баҳс турли сиёсий эътиқоддаги кишиларни жамлади. Уларнинг ҳаммаси ўртоқ М. С. Горбачевнинг газеталарда эълон қилинган баёнотини қарсаклар билан қўлиб олдилар, бу баёнот маънис биланнинг олдиндан ўқиб шийитдилар.

— Совет Иттифоқининг бу жуда муҳим қадам атом қуролига эга бўлган АҚШ ва бошқа давлатлар учун яхши намуна бўлиб хизмат қилиши керак, — деб таъкидлади Польша делегациясининг аъзоси Адам Любичак. — Энди гап навбатини Ғарбда. Мен фестивалнинг ҳамма қатнашчиларини СССРнинг янги тинчлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақираман.

Фестиваль мунозаралари ўтаётган заллардан бирида қўлидаги чақалоқ билан пайдо бўлган сарвиномат қора танили аёл ҳаммагини эътиборини ўзига тортиди. Бу тасодифий эмасди. Бу ерда, хотин-қиз ешлар хуқуқлари марказида оналар ва болалар асосий мавзудан би-

XII Жаҳон фестивалининг тўртинчи ва бешинчи кунлари

ЁШЛИК: ХУҚУҚ, БУРЧ, УМИД

ридир. Чунки болалар тақдир тўғрисида гапириб қилиш — келажак ҳақида гапириб қилиш демакдир. Албатта, кичкинтой Табо баҳсларда иштирок этмайди. Лекин унинг онаси АНК ёшлар бўлимининг аъзоси. Налубий Африкадан келган Мола Раманос кичкинтой Табонинг манфаатларини ҳам, Ер юзидаги барча болаларнинг манфаатларини ҳам қизгин ҳимоя қилмоқда.

Ғарб дунёсидан келган еш аёллар ўзларининг сиёсий ва социал хуқуқлари камситилаётганлиги ҳақида ташвиш билан га

ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАС — БУТУН ХАЛҚНИНГ, ПАРТИЯНИНГ ИШИ

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ— 4,5 МИЛЛИОН СЎМ

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК тақлифлари ва ихтиролардан кенг фойдаланишнинг фан-техника тараққиётининг муҳим вазифаларини ҳал қилиш қатори тежамкорликда ҳам яхши натижаларга эришиш имконини беради. Шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қўрсатмаларига амал қилиб, фойдаланилаётган материаллар ва ҳомашё, энергия турларини, ишчи кучи ресурсларини иқтисод қилишга, бу билан қўлаб давлат маблағини тежаб қўлинишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ишлаб чиқариш новаторлари, рационализаторлар ва ихтирочиларимиз бу ҳайрли ишнинг самараси бўлишига муносиб ҳисса қўймоқдалар. Бундай тибиб-тинчликларнинг тақлифларини амалга ошириш меҳнат унвондорлигини юксалтириш, қўл кучи сарфини камайтириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, маҳсулот таннархининг камайтиришга сеҳналар даҳлатида таъсир қўрсатмоқда. Шуни айтиш қийнақ, фақатгина сўнгги йил давомида шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт тақлифларида 1420 та рационализаторлик тақлифлари жорий қилиб, 4,5 миллион сўмликдан кўпроқ фойда олинди.

Бу аввало шахримизда техник инжодкорлик билан шуғулланувчилар сифи тобора кенгайиб бораётганлиги, улар муҳим ишлаб чиқариш муаммоларининг муваффақиятли ҳал қилинишида тобора кенгроқ қатнашаётганлиги натижасидир. Ҳозирги вақтда рационализаторлар ва ихтирочилар сифида 800 нафар кишига яқин металлургия ва цементчи, транспортчи ва алоқачи, бинокор ва монтажчи бор. Рационализаторлик ва ихтирочилик иши қатор корхоналарда жумладан

цемент комбинати, темир йўл-автомобиль транспорт ишлаб чиқариш биришласи, гўшт комбинати, Ўзбекистон металлургия заводида дуруст йўлга қўйилган. Биргина металлургия заводида шу йилнинг биринчи ярмида 213 та рационализаторлик тақлифлари амалга ошириш туфайли 481 минг сўмлик фойда олинди, шу жумладан 140 минг киловаттсост электр энергияси тежалди.

Цемент комбинатида рационализаторлик тақлифларини жорий қилиш билан ҳам ашёнинг қўлаб тежаб қўлинишига эришилмоқда.

РЕЗЕРВЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Юк ортин-тушириш ишларини такомиллаштириш, материалларни тежаб билан боғлиқ бўлган фақатгина 5 та тақлифни жорий этиш 32 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара келтирди.

Шаҳар корхоналарида ва қурилишларида қўлаб ишлаб чиқариш новаторлари меҳнат қилишарди. Ўзбекистон металлургия завоидан Сибилев, Қошечевлар, Бессонов, цемент комбинатидан Мусаев, Зияевлар, «Металлист» заводидан Сафин, Ашимовлар, темир йўл — автотранспорт ишлаб чиқариш биришласидан Эргашев ва бошқалар ихтирочили ҳамда рационализаторликда фаол қатнашиб, ишлаб чиқаришнинг кенити устасларини такомиллаштиришга қаратилган қимматли тақлифлар билан чиқмоқдалар.

Ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатини ривожлантиришда катта камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бунинг учун мавжуд

имкониятлардан аниқ мақсадни қўлаб фойдаланилмапти. Қўп жиҳатдан шу туфайли ҳам сўнгги бир неча йил давомида шахримизда янгилик изловчилар сифи кенгаймапти. Темир-бетон буюмлари комбинати, ғишт заводи, 9- ва 16-автомобиль корхоналари, нон заводи, шаҳар газ ташкилоти, тикуччилик фабрикаси, «Металлист» заводидаги каби корхоналарда бу ҳаракатнинг сусайиши кўзга ташланмоқда.

Қўпгина рационализаторлик тақлифларининг ўз вақтида жорий қилинмаётганлиги ҳам ишмиздаги катта минусдир. Масалан, цемент комбинатида қабул қилинган 88 та тақлифнинг бар-йўғи 11 таси ёки 46,1 проценти қўлланмапти. Қўпчилиги рационализаторлик тақлифларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаб чиқилмайдиганлиги, авторларга энг кам ҳақ тўланади. Новаторларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларидан ҳамон лозим даражада фойдаланилмапти. Бунда Бутуниттифок ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти шаҳар Советининг ҳам катта аъби бор. Биз бунга тан оламиз.

Биз рационализаторлик ва ихтирочилик ишини дарт таллабди даражасига кўтариш учун ҳар коллективда кенг меҳнаткашлар оmmasини техник инжодкорликка жалб қилиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг тўла амалга оширилишига ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда «Ҳар бир меҳнат коллективига — новаторларнинг ижодий ёрдами» шиори остида бораётган социалистик мусобақадан кенг фойдаланишга эътиборини кучайтирамиз.

Р. ГАЛИМОВ.

Бутуниттифок ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Бекобод шаҳар Советининг раиси.

ҲАР БИР БИРЛАШМА ВА КОРХОНАДА, ҲАР БИР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧАСТКАСИДА КАМРОҚ ЧИКИМ ҚИЛИБ, ИЛОЖИ БУЛСА УМУМАЙ ЧИКИМ ҚИЛМАЙ, КУПРОҚ САМАРА ОЛИШ МУМКИН БУЛГАН БУҒИНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ КЕРАК. ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАС — БОЯЛИГИМИЗ ЙЎЛИ ҲАММА ВАЗИФАЛАР ОРАСИДА ЧИНАКАМ ОЛИЙ ВАЗИФА ЭКАНЛИГИ ТУШУНЧАСИ ҲАР БИР СОВЕТ КИШИНИНГ ОНГИДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛИШИ ЛОЗИМ. БУ — БУТУН ПАРТИЯНИНГ, БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИДИР.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

«ПРОМЖИЛВОДСТРОЙ» трестининг 2 механизацияланган кўма қоннасида ким билар, суҳбатлашамиз, у оддий бинокор ёки етук мутахассис бўлишидан қатъий назар, Бродислав Ким раҳбарлигидаги бригада ҳақида фақат иқтисодий ҳисоблар айтишга ҳақимиз. Ҳамма бу ақил, иноқ ва алоҳида таъкидланганидек, инжодкор коллективнинг ажойиб ишлари ҳақида тўқилганиб гапирди. Бунинг учун аса асарда тўла асос бор.

Донгдор бинокор, раҳбарлигидаги бригада аъзолари ўларнинг объектларини тез ва соз қўришдаги муваффақиятлари билан ҳаммамнинг оғзинга тушишган. Улар А. Завулин бошчилигидаги бригада ташаббусига қўшилиб, қурилиш ишлари суръатини тезлаштириш имконини берадиган барча резервлардан умилкорлик билан фойдаланишга эришмоқдалар. Айниқса, маҳоратларини оширишга, кўшмача касбларни ўрганишга, шунингдек ихтироларидан машина-механизмларнинг тўла қувват билан ишлашига алоҳида таъкид қилишмоқдалар. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда ҳар бир бинокор 2-3 турдош касбини пухта ағаллаб олган. Бу объектларнинг пойдевор қўйишдан бошлаб пардалаш ишларига киришишга бўлган барча жараёнларнинг коллектив томонидан бемаъл амалга оширилишига имкон бермоқда. Шу туфайли ҳам бригада аъзола-

ри доим вақтдан ўзиб ишламоқдалар.

Улар шу кўнларда Тошкент мотор заводи инжинир навабни қурилишда фаол иштирок этишляпти. Корхонанинг альямини қувон чехини барпо қилишда етакчи роль ўйнамоқдалар. Бу ерда темир-бетон устунларини ўрнатмоқдалар, металл конструкцияларини монтаж қилмоқдалар.

Янгилик ихлосмандлари сифатида донг тартишган.

Илгор бригада аъзолари қурилиш материалларини тежаб-тергаб сарфлашга, иложи борича уларни қўлаб иқтисод қилишга, арзимаган қисми ҳам исроф бўлмаганига иттиладилар. Умуман тежамли ишлаш коллектив меҳнатининг шиори бўлиб қолган. Шу туфай-

олса арзийди. Колонналарини билан темир-бетон конструкцияларини монтаж қилишнинг такомиллаштириш, илгор иш усулини қўлланш хисобига йил бошидан бери 5 тонна металл жағарма фондида қўшилди. Бундан ташқари, 2 куб метр ёғоч-тахта 10 тонна цемент тежаб қолди.

Монтажчиларнинг тақлиф билан амалга оширилган иқтисод техникавий тадбир қурилишга 25 минг сўм фойда келтирди. Бу тақлифлар конструкцияларини яхлит-яхлит қилиб йириклаштирилган ҳолда пайванд қилишдан иборатдир. Бунинг учун улар маҳсуе молазма ихтиро қилдилар. У пайванд муддатини қисқартирди. Опалубаларини ишлатишда ҳам тежамкорликка эришилмоқда. Одатда бундай қилишлар 2-3 марта ишлатилди. Бундай аъзоларнинг ижодий изланишини туфайли улардан 5-6 марта фойдаланиш мумкин бўлмақда.

Бригада аъзолари ҳамон ижодий изланишини давом эттирмоқдалар. Айниқса, КПСС Марказий Комитетидеги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш қўрсатмалари уларнинг техник инжодкорлик соҳасидаги ҳамда рационализаторлик фалонилари янада самарали бўлишига ёрдам беради.

Т. ШОЮСУПОВА.

Ўзбекистон ССР Мелiorация ва сув ҳўжалиги министрлигининг матбуот маркази ходими.

«Электромаш» заводи республикамиз партахтининг пешқадам корхоналаридан хисобланади. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати муттасил ортиб бормоқда, материаллар, ҳом ашё ва электр энергиясини тежашда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Суратларда: бюромтачиларга юбориш учун таёрлаб қўйилган электр пайвандлаш аппаратлари (чапда), илгор сим урочилар Мунаввар Домлажонова ва Зетские Куртмалаевлар иш сифатини кўздан кечиришмоқда (ўнгда).

В. СИРОТКИН фотолари.

34 МИНГ СЎМ САМАРА

Тошкентдаги тажриба механика экскаватор ремонт заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якуловчи йилида юксак меҳнат марраларини қўлаб ишламоқда. КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор ўн кўнликларда фаол қатнашаётган ремонтчиларимиз давлат планларини ой сайин ошириб адо этмоқдалар. Шу йилнинг ярим йиллик ишлаб чиқариш топиригига анча ошган билан адо этилди. Материаллар, ҳомашё ва энергетика ресурсларини тежашда ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Бунда корхонамиз рационализаторлари ва ихтирочиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар йил бошида 40 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган ихтиролар ва рационализаторлик тақлифларини жорий қилишга аҳд қилган эдилар. Сўзи билан иши бир тибиб-тинчликлар билан ўтган биринчи ярим йилликдаёқ ваъдаларининг устидан деярли қийиб қўйилди. Шу давр мобайнида 41 та тақлиф билан чиқдилар. Бу тақлифлар асосан материаллар ва ҳомашёни тежашга қаратилган. Уларнинг қўлчиллиги ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада ҳар йили салкам 34 минг сўмлик иқтисодий самара кўриш имконияти туғилди.

Корхонамизда янгилик ихлосмандлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар орасида ўзининг қўлаб тақлифлари билан меҳнат унвондорлигининг ортини, маҳсулот таннархининг камайтириш, ремонт ишлари сифатининг яхшиланишига қўмлашганлар анчагина бор. Инженер-техник ходимлар ва ишчиларимиздан В. Мухомедов, И. Алиев, А. Кийишев, Н. Галиев, Г. Фридер ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу техник инжодкорлар ишлаб чиқаришнинг қатор қолоқ участкаларини такомиллаштиришга ҳисса қўшдилар. Улар шу кўнларда ҳам ижодий изланишини тинмай давом эттирмоқдалар.

А. ЛЕВШАНОВ,

завод инженери.

ПУЛ МУКОФОТИ БЕРИЛДИ

НАРИМОНОВ шахримизда 18-хўжалик ҳисобига ишловчи автотранспорт корхонасида ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичларини яхшилаш қатори иқтисодий тежамкорлик учун кураш ҳам олиб борил-

моқда. Шофёрлар, ремонтчи-лар, инженер-техник ходимлар ёнгилик-мойлаш материалларини, шиналарини иложи борича кўпроқ тежаб қилиш учун янги-янги резервларни топиб, ишга солмоқдалар. Бунда корхона комсомол-ёшлари жон-бозлик кўрсатишляпти. Улар тежамкорлик учун курашининг олдинги сафида боришмоқда. Шу туфайли ҳам йил бошидан бери бир тонна атрофида ёнгилик анчагина миқдорда

мойлаш материаллари ва шиналар ҳамда эҳтиёт қисмлар тежаб қолди. Комсомол-ёшларнинг бунга қўйган ҳиссаси муносиб тақдирланди. Уларга автомашиналарини доим техник ҳолати яхши бўлишини таъминлаганликлари, иқтисодий режимида қатъий амал қилганликлари учун 250 сўм миқдорда пул мукофоти берилди. Транспортчилар бу маблағни Жаҳон ёшлари фестивали фондига ўтказдилар.



ЯНГИ ХИЛ ЁҚИЛГН

Халқ ҳўжалигининг изчил ривожланиши унинг турли тармоқларини ўз вақтида етарли даражада ёқилиш ва энергия билан таъминлашни таъқозо этади. Ёқилган энергетика ресурсларини тежамкорлик билан ишлатишга эришиш, айна вақтда мавжуд ёқилчилардан фойдаланишнинг янги хилма-хил усулларини қўлаш бу масалани ҳал этишдаги муҳим омилдир. Албатта, бунда давлатларнинг ишланган газдан атраф муҳит ифлосланишига қарши қўриладиган чоралар диққат марказида бўлади.

Матълумки, транспорт комплекси мотор ёқитисининг энг асосий истеъмолчилари дондир. Мамлакат миқёсида юқ ташвиш оборотининг муттасил ортиб бораётгани, ишлаб чиқариш кўчаларининг ривожланиши ва жойлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда транспортдаги тик нефть маҳсулотларидан фойдаланиш қўламини кенгайтади. Шу маҳсулотларнинг 60 процентдан зиёдини автомобиль транспорти истеъмол қилади, у бензин ва дизель ёқитисининг энг йирик истеъмолчиларидир. Шу боис халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини, жумладан, автомобиль транспортини мотор ёқитисини билан таъминлаш учун янги хил ёқилги яратиш борасида маддал тадқиқот олиб боришмоқда. Маана бир неча йилдирик, «Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш биришласининг ходимлари Ш. Ниезбеков, Э. Грушевченко, В. Майоров, Э. Падичев, А. Тургуновлар томонидан шу йўналишда изланишлар ўтказилмоқда. Натижада тезорар дизель автомобиллари учун янги кенг фракцияли газоконденсат ёқитисини яратилди.

Шу йил апрель ойида маҳсуе давлат комиссияси Ўрта Осиёнинг олис районларида бу ёқилгидан фойдаланишга руҳант берди. Янги ёқилгидан яратилган жара

